



ЎЗБЕКИСТОНДА «УЧИНЧИ РЕНЕССАНС» ДАВРИНИНГ MAЗМУН MOҲИЯТИ

Акбарова Нигорахон Ахмаджоновна

Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун
ихтисослаштирилган Республика КХК ўқитувчиси
e-mail: alfargoniy.uz@gmail.com

Аннотация:

Мақолада Ўзбекистонда бугунги кун таълим ислохатларини ривожлантиришнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, «Учинчи Ренессанс даври» тушунчаси тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзла:

Ренессанс, таълим,

Бугунги кун ислохатлари мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномасида таълим ислохатларини Учинчи Ренессанс деб номлади. «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим» [1]. Мазкур стратегик ғоя ўзининг тарихийлик, таълимнинг миллийликка асосланганлиги кўрсатади. Амалда давлат раҳбари тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий ғоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади. «Ренессанс» иборасининг луғавий маъноси французча «қайта туғилиш» деган маънони англатади. Ушбу тушунчанинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва кадрлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Ренессанс иборасини илк бор Европада XV-XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс ибораси ўзбек тилига «Ўйғониш даври» деб ўтирилган.

Биринчи Ренессанс Ўзбекистон ҳудудида IX-XII асрларда Марказий Осиёда илм-фаннинг юксалиши билан изоҳланади. Бу даврда Математика, астрономия, кимё, тиббиёт, ҳуқуқ, геодезияга қизиқиш кучайди ва дунё тузилиши ҳақидаги замонавий назарияларга айнан ўша даврда асос солинди. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий, имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотурудий, Абул Муин Насафий каби буюк алломалар қомусий олим бўлишлари билан бир қаторда, ўз фанлари бўйича бутун оламга устозлик мақомига эришдилар. Мазкур давр дунё тараққиётининг юксалиш тамойилларини белгилаб берди, десак муболаға бўлмайди. Бунинг ёрқин исботи ушбу даврда Хоразмда барпо этилган Маъмун академиясидир. Даҳо мутафаккирларни ўз бағрига тўплаган бу олий даргоҳ нафақат ўз минтақаси, балки бутун дунё учун акселератор вазифасини ўтагани ҳақиқат.

Айнан X-XII асрларда сферик тригонометрия, ўнли рақамларнинг қўлланиши, «функция» тушунчасининг пайдо бўлиши, географик координатларининг аниқ

ифодаланиши, Ер сайёрасининг сферик глобуси, қаттиқ ва суюқ моддаларнинг солиштирма оғирлиги, минераллар таснифи, қуруқлик таркибий жисмларининг ҳаракати ва қатламлар ҳосил бўлиши, денгиз ва материкларнинг жойлашуви, тиббий ва фармацевтик билимларнинг бир тизимга солиниши, тапхислаш ва даволашнинг янги усуллари алломаларимиз томонидан асосланди

Иккинчи Ренессанс катта географик ҳудудни Амир Темур давлати номи билан боғлиқ. Амир Темур давлатининг катта шаҳарларига турли ҳудудлардаги истеъдодли олимлар, шоирлар, ҳунармандлар, меъморларни жамлади ва илми-фан тараққиёти учун керакли барча шарт-шароитларни яратиб берди. Бундай оқилона сиёсат мамлакатнинг илмий ва маданий қудратини кучайтирди.

Иккинчи ренессанс даври “Ислом маданиятининг олтин асри” деб аталиши билан бирга, фазо илми ва математика фанларининг ривожланиши билан юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, буюк меъморлар, бастакорлар, мусаввирлар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратдилар. Каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки бугунги қунда мамлакатларимизда олиб борилаётган таълим ислохатлари миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалаши зарур. Учинчи Ренессанс ғояси барпо этиш учун давлатимиз тархида асослар етарли ҳамда истиқболга интилишга жуда мос келади. Айни пайтда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. <https://xs.uz/uz/post/uchinchi-renessans-millij-goya-sifatida>
3. Mirzarahimov, B. H. (2020). The Tasks Of Tourism In Aesthetic Education: The Harmony Of Historicity And Modernity. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09), 652-658.
4. Ahmadjonovna, E. T., & Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions' Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(08), 576-582.
5. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16(2), 55-59.